



ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДАГИ АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Убайдуллаева Дилноза Акмаловна

*Ўзбекистон Республикаси Криминнология тадқиқот институти илмий
ходим, капитан*

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек оилаларидаги аёлларга нисбатан зўравонлик муаммоси муҳокама қилинади. Аёлларга нисбатан зўравонлик ўзи нима, қандай кўринишлари ва турлари мавжуд эканлиги ҳақида сўз боради. Оилавий зўравонлик қурбонига айланган аёллар психикасидаги ўзгаришлар ёритиб берилади. Бундан ташқари оилавий зўравонлик келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлар ва уларни олдини олиш бўйича тавсиялар берилади.

Калит сўзлар: оилавий зўравонлик, аёллар зўравонлиги, болаларга нисбатан зўравонлик, зўравон шахс, хавф омиллари, руҳий камситилиш, иқтисодий зўравонлик, жисмоний зўравонлик, психологик зўравонлик ва тазйиқ.

Табиат аёлга шундай дейди: “Уддасидан чиқсанг, гўзал бўл. Истасанг, оқила бўл. Аммо иродали бўлишинг шарт” Нима учун шундай? Чунки аёл хаётнинг боши, нафақат инсон туғилишининг асосида, унинг негизида туради. Шунинг учун иродали аёл фаровон жамият қурилишининг тамал тошларидандир¹¹.

Бугунги кунда жамият тараққиёти, оила барқарорлиги ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари глобал миқёсда долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, оила институтида юзага келаётган муаммолар, жумладан аёлларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари нафақат ижтимоий, балки психологик ва ҳуқуқий муаммо сифатида ҳам қаралмоқда. Оилада содир этиладиган зўравонлик ҳолатлари аёлларнинг руҳий саломатлигига, шахсий ривожланишига, шунингдек жамият барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш ҳамда жабрланганларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қатор қонунчилик ҳужжатлари ва дастурлар қабул қилинди. Бироқ шунга қарамасдан, айрим оилаларда аёлларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари учраб туриши мазкур муаммонинг ижтимоий ва психологик илдизларини чуқур таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатади.

Аёлларга нисбатан зўравонликнинг келиб чиқишида турли омиллар, жумладан ижтимоий муҳит, анъанавий қарашлар, иқтисодий қийинчиликлар, оилавий муносабатлардаги муаммолар ҳамда шахснинг психологик

¹¹ Г.У.Туйчиева, Р.Н.Исмаилова, Ф.Н.Алимова, Х.Т.Исмаилова “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга психологик ёрдам кўрсатиш”. Услубий қўлланма Тошкент-2021 йил 4-бет



хусусиятлари муҳим роль ўйнайди. Шу боис мазкур масалани ижтимоий-психологик жиҳатдан ўрганиш, унинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

БМТ нинг 1993 йил 20-декабдаги Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни тугатишга оид Декларациясида (революцияси 48/104) қайд этилишига кўра “Аёл кишининг жисмоний, жинсий, психологик соғлигига зарар етказиш мумкин бўлган ҳар қандай зўравонлик амаллари ёки аёл кишини қийнаш ва унга таҳдид қилиш ҳолатлари, уни ўз райига қарши равишда озодликдан маҳрум қилиш, шахсий ва ижтимоий ҳаётдан узиб қўйиш” зўравонлик ҳолатларининг мавжудлигини исботлайди¹².

Бугунги кунда аёлларга нисбатан зўравонлик жаҳон миқёсида долзарб ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. Оилада юзага келадиган зўравонлик ҳолатлари нафақат шахс ҳуқуқларининг бузилишига, балки жамиятда ижтимоий барқарорликка ҳам салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, оиладаги низолар ва зўравонлик ҳолатлари аёлларнинг психологик ҳолати, ижтимоий фаоллиги ва ҳаёт сифатига жиддий зарар етказади.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан аёлларга нисбатан зўравонликнинг сабаблари, унинг ижтимоий ва психологик омилларини чуқур ўрганиш ҳамда самарали профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масалани илмий жиҳатдан тадқиқ этиш жиноятчилик профилактикаси ва оилавий муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига оилавий (маиший) зўравонлик учун жавобгарлик 126-1-моддада белгиланган¹³. Ушбу моддага кўра, оилавий зўравонлик деб қуйидаги шахсларга нисбатан содир этилган ҳаракатлар тушунилади:

- Хотинига (эрига) ёки собиқ хотинига (собиқ эрига).
- Бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга.
- Умумий фарзандга эга бўлган шахсга.
- Болага нисбатан (2024 йил октябрь ойидаги ўзгартиришларга мувофиқ жавобгарлик янада кучайтирилган).

Жавобгарлик турлари:

1. Маъмурий жазодан кейинги такрорий ҳаракатлар учун: Жарима, мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари.

¹² Декларация ООН об искоренении всех форм насилия в отношении женщин (сокращённо) ДЕВАВ. Статья 1. // <http://www.unifem.org/gender issues>
¹³ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // URL: <http://www.lex.uz>



2. Оғирлаштирувчи ҳолатларда: Агар зўравонлик соғлиқнинг шикастланишига (енгил, ўртача ёки оғир) олиб келса, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади.

Муҳим ўзгариш: 2024 йил октябрдан бошлаб оилавий зўравонлик билан боғлиқ ишлар бўйича ярашув тўғрисидаги ариза фақат суд муҳокамаси босқичида берилиши мумкин (тергов жараёнида ярашиш тақиқланади)

Модданинг асосий мазмуни:

• Оилавий зўравонлик: Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида бирга яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган ҳаракатлар.

Жавобгарлик турлари:

○ Енгил шикаст етказиш: Агар ушбу ҳаракат соғлиқнинг қисқа вақт ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини йўқотишига олиб келса, жарима, мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача озодликни чеклаш/озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

○ Оғирроқ ҳолатлар: Зўравонлик такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан содир этилса, жазо оғирлашади.

○ Болаларга нисбатан: Болаларга нисбатан оилавий зўравонлик содир этганлик учун 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши мумкин.

Муҳим жиҳатлар:

1. Ёш чегараси: Ушбу модданинг тўртинчидан саккизинчи қисмларигача назарда тутилган жиноятлар (оғирроқ оқибатлар) учун жавобгарлик 14 ёшдан бошланади.

2. Маъмурий жавобгарлик: Агар қилмишда жиноят аломатлари бўлмаса (масалан, шикаст етказилмай ҳақорат қилинса ёки дўқ-пўписа қилинса), шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси билан жазоланиши мумкин.

Айниқса, хотин-қизлар зўравонлигига олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши бу масаланинг қанчалик аҳамиятли эканлигини яққол исботидир. Бугунги кунда оилавий зўравонлик муаммоси бутун жаҳоннинг глобал муаммосига айланган.

Оилавий зўравонлик жинсга асосланган зўравонликнинг энг кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Оилавий зўравонлик бу - бирор-бир оила аъзосига оиланинг бошқа бир аъзоси томонидан дўқ-пўписа қилиниши, босим ўтказилиши, ҳақорат қилиниши натижасида вужудга келувчи жараён бўлиб, у оиладаги инсонлар ўртасида содир бўлади. Ҳар бир инсон оиладаги зўравонликнинг қурбони ёки ижрочисига айланиши мумкин. Бироқ, қайд этилган ҳолатларнинг аксарияти эркаклар томонидан аёлларга нисбатан содир



этилади. Оилавий зўравонлик БМТ томонидан эркаклар ва аёллар ўртасидаги кучларнинг тенгсизлиги ифодаси сифатида белгиланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Оиладаги зўравонлик бу - яшириш, бостириш, тоқат қилиш ёки азоб чекиш эмас. Оиладаги зўравонлик ҳолати, агар юзага келса, келажакда унинг такрорланишига йўл қўймаслик учун уни тўхтатиш керак. Оиладаги зўравонлик юзага келган вазиятда нима қилиш кераклигини тушунишга ёрдам берадиган бир қатор оддий қадамлар мавжуд.

Оиладаги зўравонлик, хоҳ бола, хоҳ катталар, кекса одам, аёл ёки эркак бўлсин, ҳар биримизнинг қурбонимиз бўлиши мумкин. Турмуш ўртоғи ўз хотинига нисбатан тажовузни, аксинча, ота-оналар фарзандларига, фарзандлар эса ота-онага, ака-ука ва опа-сингилларга бир-бирига нисбатан тажовузкорликни намоён қилиши мумкин. Ака-укалар ўзларининг опа-сингилларига нисбатан, ёки қайнисингилнинг келинойисига ёки овсинлар ўртасидаги зўравонлик шаклида тажовузкорликни кўриш мумкин.

Оилада ўзаро мулоқот жараёнида табиий равишда низолар ва жанжаллар пайдо бўлиши мумкин, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам зўравонлик эмас. Оиладаги зўравонликда зўравонлик шакллариининг такрорланиб турадиган даврлари мавжуд:

1-давр. Оилада тарангликнинг кучайиши. Ўзаро муносабатларда норозилик кучаяди ва оила аъзолари ўртасидаги алоқа бузилади.

2-давр. Зўравонлик ҳодисаси. Оғзаки, ҳиссий ёки жисмоний зўравонлик авж олади, ғазаб, тортишувлар, айбловлар, таҳдидлар, қўрқитишлар билан бирга келади.

3-давр. Ярашиш. Зўравон шахс кечирим сўрайди, сабабини тушунтиради, айбни жабрланувчига юклайди, баъзида содир бўлган воқеани рад этади ёки жабрланувчини воқеаларни бўрттириб кўрсатишига ишонтиради.

4-давр. Ўзаро муносабатлардаги тинч давр ("асал оyi"). Зўравонлик даври унутилади, тажовузкор кечиради. Ушбу босқич "Асал оyi" деб номланади, чунки бу босқичда шериклар ўртасидаги муносабатларнинг сифати асл нусхасига қайтади.

Одатда, сўнгги давр яъни "асал оyi" дан кейин муносабатлар биринчи босқичга қайтади ва цикл такрорланади. Вақт ўтиши билан ҳар бир босқич оралиғи қисқаради, зўравонлик ҳолатлари тез-тез учрайди ва кўпроқ зарар келтиради. Зўравонлик қурбони вазиятни ўзи ҳал қила олмайди.

Уйингиздаги зўравонликни бир маротаба тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш инсонни янада азобланишдан қутқаради. Изланишларга кўра, аёллар ва қизлар кўпинча оилавий зўравонликдан азият чекишади. БМТ маълумотларига кўра, дунёдаги аёлларнинг тахминан 70 фоизи ҳаёти давомида зўравонликни бошдан кечирган.



Эркаклар: кўпинча турмуш ўртоғи, ота онаси, фарзандлари, хонадошларига нисбатан тажаввузкорлик намоён этса,

Аёлларда эса асосан, ота-оналар ва болаларга нисбатан кузатилади. Турмуш ўртоғи ва шеригига нисбатан зўравонлик камдан-кам ҳолатларда қайд этилади.

Оиладаги зўравонликнинг бир неча турлари мавжуд: ¹⁴

✓ Жисмоний зўравонлик - бу жабрланувчига тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир ўтказиш, жисмоний зарар етказиш мақсадида, калтаклаш, тан жароҳати етказиш, танага оғир шикаст етказиш, калтаклаш, туртиш, тепиш, тарсаки кўринишида бўлади.

✓ Жинсий зўравонлик - бу одам ўз хоҳишларига қарши жинсий алоқада бўлишга мажбур қилиш, таҳдид қилиш ёки алданган пайтдаги зўравонлик ҳаракати.

✓ Психологик (рухий) зўравонлик - инсон психикасига зарар етказиш, ҳақорат қилиш, кўрқитиш, таҳдид қилиш, шантаж қилиш, назорат қилиш кабилар.

✓ Иқтисодий зўравонлик - бу моддий босим бўлиб, ўқишни, ишлашни таъқиқлаш, моддий ёрдамдан маҳрум қилиш ва даромадларни тўлиқ назорат қилишда ўзини намоён қилади.

Шуни ёдда тутиш керакки, шахсий дахлсизлик ва хавфсизлик ҳар қандай шахснинг ажралмас ҳуқуқи ҳисобланади. 1948 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да барча инсонлар зўравонликсиз яшаш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланган. Инсонни манипуляция қилиш ва ўз кучларини кўрсатиш учун тажовузкорлар турли хил хатти-харакатлардан фойдаланадилар:

Ҳукмронлик - зўравон ўзаро муносабатлар учун жавобгарликни ҳис қилишлари керак. Улар турмуш ўртоғи ва бошқа оила аъзолари учун қарорлар қабул қилишади, уларнинг нима қилишини айтиб беришади ва сўроқсиз уларга бўйсунитишни кутишади. Зўравон ўз қурбонига хизматкор, бола ёки ҳатто унинг мол-мулки каби муносабатда бўлиши мумкин.

Ҳўрлик - тажовузкор ўз қурбонини номукамал, камситилган ҳис қилиши учун ҳамма нарсани қилади. Бундай вазиятда, у ўз қурбонининг ҳеч нимага арзимаслигига ва ҳеч ким у билан бошқа муносабатларни ўрнатишини истамаслигига ишонса, кетиш ҳақида қарор қабул қилиш эҳтимоли камроқ бўлишини кутади. Таъқиб қилиш, суистеъмор қилиш, танбеҳ бериш ва ижтимоий камситиш қурбоннинг кадр-қимматини пасайтириш ва ўзини ночор ҳис қилиш учун қилинган зўравонлик қуролидир.

Изоляция - зўравон қурбонини ўзига боғлиқлигини ошириш учун уни ташқи дунёдан узиб қўйишга ҳаракат қилади. У оиласи ёки дўстларини кўришни таъқиқлаши ёки ҳатто иш ёки мактабга боришини таъқиқлаши мумкин. Қурбон

¹⁴ Ш.А.Пулатова, А.Ш.Муродов “Зўравонликдан жабрланганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва зўравонликнинг олдини олиш”. Услубий кўлланма / Тошкент. Бактрия пресс - Baktria press, 2020 йил 10-бет



бирор нарса қилиши, бирон жойга бориши ёки кимнидир кўриши учун рухсат сўраш керак бўлиши мумкин.

Рад этиш ва айбдорлик - зўравонлар, ҳатто, кечирилиши мумкин бўлмаган нарсалар учун ҳам кечирим сўрашга уста. Улар ўзларининг ҳақоратли ва тажовузкор хатти-ҳаракатларини ёмон болалик ёки ёмон кун оқибатида айблашади ва ҳатто бунинг учун ўз қурбонини айблашлари мумкин. Зўравон зўравонликни минималлаштириши ёки ҳатто унинг содир бўлганлигини рад этиши мумкин. У ўзининг зўравонлик ва қўпол муомаласи қурбонининг айби дея масъулиятни унга юклашга ҳаракат қилади. Ушбу ҳаракатларни ўз вақтида ташхислаш қўпол муносабатлардан чиқиш учун тўғри танлов қилишга имкон беради.

Шуни ёдда тутиш керакки! тажовузкорлар ўзларининг хатти-ҳаракатларини бошқаришга қодир - улар буни ҳар доим қилишади!¹⁵

- Зўравонлар кимга қарши зўравонлик қилишни танлайдилар. Улар хафа қилганларни ҳақорат қилмайди, таҳдид қилмайди ёки уларга ҳужум қилмайди. Қоида тариқасида, улар яқин одамларига, ўзларини яхши кўраман деб даъво қилганларга нисбатан зўравонлик ишлатадилар.

- Зўравонлар зўравонликни қачон ва қаерда қўллашни диққат билан танлайдилар. Атрофда уларнинг зўравонлик хатти-ҳаракатларини кўрадиган одамлар бор экан, улар ўзларини назорат қилишади. Улар ўзларини жамоат жойларида ҳеч нарса бўлмагандек тутишлари мумкин, аммо улар қурбонлари билан ёлғиз қолишлари билан зўравонлик қилишади.

- Зўравонлар ўзларининг зўравонлик хатти-ҳаракатларини, бу уларга фойда келтириши мумкинлигини кўрганларида тўхтатишга қодир. Аксарият зўравонлар, аслида уларнинг манфаатларига таъсир қилиши мумкин бўлган зўравонлик хатти-ҳаракатларини тўхтата олади (масалан, ИИБ ходими келганида).

- Зўравонлар кўпинча зўравонликни кўринадиган излар бўлмайдиган тарзда ишлатадилар. Жисмоний зўравонлик билан ғазабланиб ҳаракат қилиш ўрнига, зарбаларни кўкаришлар кўринмайдиган жойларга эҳтиёткорлик билан йўналтиради.

Оиладаги зўравонлик - бу бир оила аъзосининг бошқа оила аъзосига нисбатан қасддан қилинган жисмоний, психологик ва жинсий хатти-ҳаракатлари, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини бузиш ва унга жисмоний ва руҳий азоб бериш. Шундай экан бу иллатни олдини олиш ва йўқ қилиш барчамизнинг вазифамиздир.

Илмий янгилиги

Мазкур тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

¹⁵ В.О.Самадов "Гендер зўравонлик бўйича ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этишнинг стандарт операцион иш тартиблари" Услубий қўлланма / Тошкент. Бактрия пресс – Baktria press, 2021 йил 13-бет



- ўзбек оилаларида аёлларга нисбатан зўравонликнинг ижтимоий-психологик сабаблари комплекс тарзда таҳлил қилинди;

- оилавий муносабатлардаги психологик муҳитнинг зўравонлик келиб чиқишига таъсири илмий жиҳатдан асосланди;

- аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Ўзбек оилаларидаги аёлларга нисбатан зўравонликнинг ижтимоий психологик профилактикаси бўйича таклифлар

Аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни ошириш.

- Оилавий муносабатларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш мақсадида оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари ва маҳаллаларда профилактик тарғибот ишларини кучайтириш зарур.

Оилавий низоларни эрта аниқлаш тизимини жорий этиш.

- Маҳалла фуқаролар йиғини, профилактика инспекторлари ва хотин-қизлар фаоллари ҳамкорлигида оилавий муаммоларни эрта босқичда аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тизимли ишлар олиб бориш муҳим.

Психологик ёрдам хизматларини ривожлантириш.

- Оилавий низолар ва зўравонлик ҳолатларини камайтириш мақсадида психологик маслаҳат марказлари ва ишонч телефонлари фаолиятини кенгайтириш лозим.

Аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш.

- Аёлларни иш билан таъминлаш, касб-ҳунар ўргатиш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг иқтисодий қарамлигини камайтириш зўравонлик ҳолатларини камайтиришга хизмат қилади.

Зўравонлик содир этган шахслар билан профилактик ишларни кучайтириш.

- Ҳуқуқбузар шахслар билан профилактик суҳбатлар, психологик тренинглар ва ижтимоий реабилитация ишларини ташкил этиш орқали такрорий зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш мумкин.

Ёшлар ўртасида соғлом оилавий муносабатлар маданиятини шакллантириш.

- Таълим муассасаларида “соғлом оила”, “оилавий муносабатлар психологияси” каби мавзуларда маърифий дарслар ва семинарлар ташкил этиш орқали келажакдаги оилавий низоларнинг олдини олиш мумкин.

Ижтимоий мониторинг ва статистик таҳлилни кучайтириш.

- Аёлларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини мунтазам таҳлил қилиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда шу асосда профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек оилаларида аёлларга нисбатан зўравонлик муаммоси мураккаб ва кўп омилли ижтимоий-психологик ҳодиса ҳисобланади.



Унинг юзага келишига бир томондан анъанавий қарашлар, иқтисодий қийинчиликлар ва оилавий низолар каби ижтимоий омиллар таъсир кўрсатса, иккинчи томондан шахнинг психологик хусусиятлари — агрессияни назорат қила олмаслик, паст мулоқот маданияти, болаликда шаклланган салбий тажрибалар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, зўравонлик ҳолатлари фақат ҳуқуқий муаммо эмас, балки чуқур психологик ва ижтимоий илдизларга эга мураккаб феномендир. Шу боис ушбу муаммони бартараф этишда комплекс ёндашув, яъни ҳуқуқий, ижтимоий ва психологик чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш зарур.

Оилада соғлом психологик муҳитни шакллантириш, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларини мустаҳкамлаш, шунингдек аёлларнинг иқтисодий ва ижтимоий мустақиллигини ошириш зўравонлик ҳолатларини камайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, аҳоли ўртасида ҳуқуқий ва психологик маданиятни ошириш, профилактик ишлар ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш ҳам самарали натижа беради.

Яқунда шуни таъкидлаш жоизки, аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш нафақат давлат органлари, балки бутун жамиятнинг умумий масъулияти ҳисобланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // URL: <http://www.lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 02.07.2018 йилдаги ПҚ-3827-сонли Қарори. <http://www.LEX.UZ>
3. Декларация ООН об искоренении всех форм насилия в отношении женщин (сокращенно) ДЕВАВ. Статья 1. // <http://www.unifem.org/gender issues>
3. Ш.А.Пулатова, А.Ш.Муродов "Зўравонликдан жабрланганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва зўравонликнинг олдини олиш". Услубий қўлланма / Тошкент. Бактрия пресс – Baktria press, 2020 йил 10-бет
4. Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида» <http://www.lex.uz>
5. Г.У.Туйчиева, Р.Н.Исмайллова, Ф.Н.Алимова, Х.Т.Исмаилова "Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга психологик ёрдам кўрсатиш". Услубий қўлланма Тошкент-2021 йил 17-бет
6. В.О.Самадов "Гендер зўравонлик бўйича ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этишнинг стандарт



операцион иш тартиблари” Услубий қўлланма / Тошкент. Бактрия пресс –
Baktria press, 2021 йил 13-бет